



Возможно, лучшим признанием ценности Великого шелкового пути являются планы и проекты о его возрождении, которые звучат сегодня с самых высоких трибун. Многие признают, что воссоздание Великого шелкового пути способно объединить народы вокруг идеи мирного экономического и культурного сотрудничества и указать переход от кризиса к более разумному и совершенному будущему, которое является залогом дальнейшего цивилизационного развития человечества». Выступая на Первом международном форуме «Один пояс, один путь» в Пекине, Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев также отметил заинтересованность республики в наполнении концепции “Один пояс, один путь” конкретными программами регионального развития, предусматривающими реализацию в Центральной Азии крупных проектов в сферах транспорта, торговли, инвестиций, энергетики и высоких технологий. Их успешное осуществление может открыть большие возможности для экономической повестки Узбекистана.

Для филологов Великий Шелковый Путь - это яркий пример развития и распространение как языка, так и литературы в культуры различных народностей. Именно изучение истоков позволяет научиться воспринимать эволюцию языка системно, анализировать ее и делать правильные, обоснованные логикой и подкрепленные аргументами выводы.



КОРЕЙС ТИЛИДА КЎМАКЧИ ФЕЪЛЛАРНИНГ ФАРҚЛАНИШИ

ЮНУСОВА ГУЛШОДА

PhD, ТДШУ



Аннотация. *Корейс тилишунослигида XX асрнинг 30 йилларида Чхве Хён Бе нинг анъанавий грамматикага асосланган тадқиқоти билан бошланган кўмакчи феъллар тадқиқи ҳозирги кунга қадар узлуксиз тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Ушбу мақола корейс тилишунослигида кўмакчи феъллар ва уларни фарқлашнинг мезонларига бағишланади. Бунда кўмакчи феъллар етакчи феълга бириктириш масалалари, кўмакчи феълларнинг етакчи феъл маъносига қўшимча маъно юклаши каби масалалар ўрганилади. Кўмакчи феълнинг етакчи феълга семантик ва синтактик жиҳатидан тобе бўлиши, аспект ва модал маъноларга эга бўлиши каби хусусиятлари тадқиқ қилинади. Бундан ташқари кўмакчи феълларнинг ўриндош шакллар билан муносабати ва ўхшаши шаклдаги асосий феъл билан бирга қўлланилиши масалаларига ойдинлик киритилади.*

Таянч сўз ва иборалар: *асосий феъл, кўмакчи феъл, семантик-синтактик тобеллик, ўриндош шакллар, модал маъно, аспект маъно, боғловчи аффикслар.*

Аннотация. *В корейской лингвистике изучение вспомогательных глаголов, начавшееся в 1930-х годах с изучения традиционной грамматики Чхве Хён Бе, до сих пор является предметом непрерывных исследований. Данная статья посвящена вспомогательным глаголам в корейском языкознании и критериям их различения. В ней рассматриваются такие вопросы, как соединение вспомогательных глаголов к основному глаголу, а также дополнительное значение вспомогательных глаголов, которое придает вспомогательный глагол основному глаголу. Исследуются такие особенности вспомогательного глагола, как семантическое и синтаксическое подчинение основному глаголу, аспектные и модальные значения. Также разъясняется связь вспомогательных глаголов с подчиненными формами и их использование в сочетании с основным глаголом в подобной форме.*

Опорные слова и выражения: главный глагол, вспомогательный глагол, семантико-синтаксическая зависимость, подчиненные формы, модальное значение, аспектное значение, связывающие аффиксы.

Abstract. In Korean linguistics, the study of auxiliary verbs, which began in the 1930s with the study of the traditional grammar of Choi Hyun Bye, is still the subject of continuous research. This article focuses on auxiliary verbs in Korean linguistics and the criteria for distinguishing them. It addresses issues such as the connection of auxiliary verbs to the main verb, and the complementary meaning of auxiliary verbs that gives the auxiliary verb to the main verb. Such features of the auxiliary verb as semantic and syntactic subordination to the main verb, aspect and modal meanings are investigated. It also explains the relationship of auxiliary verbs with subordinate forms and their use in combination with a main verb in a similar form.

Keywords and expressions: main verb, auxiliary verb, semantic-syntactic dependence, subordinate forms, modal meaning, aspect meaning, connecting affixes.

Кириш. XX аср бошларида тилшунослар кўмакчи феълларни алоҳида сўз туркуми сифатида ўрганганлар. Шунингдек, уларнинг тадқиқотларида кўмакчи феъллар кўшимчалар категориясига киритган ҳолда, умумий жиҳатдан кўшимча сифатида тадқиқ қилишган. Чхве Хён Бе тадқиқотининг корейс тилшунослигидаги аҳамияти шундаки, у илк маротаба корейс тилида кўмакчи феълларни фундаментал жиҳатдан тартибга келтиради. XX аср бошларида бир қатор корейс тилшунос олимлари бу даврда кўмакчи феълларни белгилаш мезони ва уларни таснифлаш масалалари бўйича тадқиқот олиб борадилар. Ким Сок Дик ва Ким Ги Хёклар ўз тадқиқотларида кўмакчи феълларнинг структур хусусиятларини, синтактик тузилишини кўшма феъллар билан қиёслаган ҳолда тушунтириб берганлар. Корейс тилида кўмакчи феълларни ажратиш олиш мезонлари бўйича тилшунослар томонидан турлича фикрлар билдирилади. Улар мезонларга синтактик бошқарув; бирикма алоҳида қисмининг қисқармаслиги, балки бир бутун ҳолда қисқариши; кўмакчи феълнинг давомий қўлланиши; ўхшаш кўмакчи феълларнинг такроран қўллаш мумкинлиги; аргументга алоқадор эмаслиги; фикр тўхталишида шаклланиш мумкинлиги¹ каби бир қанча мезонларни келтиришади. Мазкур мақолада корейс тилида кўмакчи феълларни фарқлашнинг асосий мезонлари кўриб чиқилади.

Асосий қисм. Кўмакчи феълларни гапда фарқлашнинг асосий мезонларидан бири, бу уларнинг мустақил феъл ўрнида кела олмаслигидир. Мустақил феълнинг гапдаги асосий функцияси кесим вазифасида келишдир. Кўмакчи феъл эса алоҳида ўзи *кесим функциясини бажара олмайди*². Бу жиҳат уларни асосий феъллардан фарқлайди. Жумладан, Чхве Хён Бе кўмакчи феълларнинг синтактик тобелик хусусиятини кўмакчи феълларни белгилашнинг асосий мезони деб таъкидлаган.³ Шунингдек, бошқа тадқиқотчилар ҳам бу хусусиятни асосий мезон сифатида кўрсатишган.

Куйидаги мисолларда кўмакчи феълларнинг ўзига хос жиҳатларидан бирини кўриш мумкин: 나 혼자 집으로 와 버렸어. *Мен бир ўзим уйга кела қолдим.* 와 버렸어 кўмакчи феълли бирикмада 버리다 [reorigida] кўмакчи феъл вазифасида қўлланилган. Ушбу жумлада 보다 [poda] кўмакчи феъл сифатида қўлланилган. Ушбу гапда 보다 [poda]нинг асосий феъл сифатида қўллана олмаслигини куйидаги жумла билан тасдиқлаш мумкин.

나 혼자 집으로 버렸어⁴. * *Мен бир ўзим уй томон ташладим.* (Жумла корейс тили грамматикаси ва семантик жиҳатдан маънога эга эмаслиги кўринади).

¹ 손세모돌. 국어 보조용언 연구. 서울: 한국문화사, 1996. pp.40-69

² Кўпгина тадқиқотларда бу ҳолат қисқача тарзда “синтактик тобелик” номи остида кўрсатилган.

³ 최현배. 우리말본. 여덟번째 고침. 서울: 정음사, 1980. pp.253, 489-490.

⁴ 손 세 모 돌. 국어 보조용언 연구. 서울: 한국문화사, 1996. – Р. 42.

Юқоридаги мисолда, 버리다 [peorida] кўмакчи феълларининг алоҳида ўзи кесим сифатида қўллана олмаслиги гапларнинг иккинчи қисмида ўз тасдиғини топди. Яъни, гапларнинг иккинчи қисмидаги: ‘Чесу, фикрни кўринг’, ‘Мен бир ўзим уй томон ташладим’ жумлалар маъносиз бўлиб қолган. Бундан 보다 [poda] ва 버리다 [peorida] кўмакчи феъллари гап мазмунини аниқ ифодалаши учун айнан етакчи феълга қўшилиб келиши кераклиги намоён бўлган. Корейс тилида кўмакчи феълларнинг бундай хусусияти феълларга хос бошқа грамматик шакллар билан ўхшаш жиҳатга эга. Шунингдек, кўмакчи феъл асосий феълга тобе бўлганлиги сабабли, гапнинг бош бўлакларига боғлиқ бўлмайди. Кўмакчи феълли бирикма ўзига хос ички структурага эга бўлиб, яхлит бўлинмас қўшилмани ташкил қилади. Бундай қўшилмада кўмакчи феъл фақат боғловчи аффикслар –어 [eo] ва -고 [go] воситасида асосий феълга боғланади. Асосий феълга хос бўлган грамматик шакллар (замон, аспект, модаллик ва ҳурмат шакли аффикслари) эса кўмакчи феълга қўшилади. Грамматик шаклларнинг кўмакчи феълга қўшилиши қўшилманинг яхлит бўлинмаслигини кўрсатади. Шунинг учун бу структура таркибига бошқа лексик бирликларни қўшиб бўлмайди. Ушбу ҳолатни феъллар билан бирга одатда қўлланивчи равиш лексемалар орқали кўрсатиш мумкин. Маълумки, равишлар феълнинг ҳолатини аниқлаб келиб, гапда маълум синтактик вазифани бажаради. Уларнинг ноўрин ишлатилиши эса гап структураси ва семантикасининг бузилишига олиб келади. Куйида равишларнинг кўмакчи феълли бирикма, қўшма феъл ва қўшма гапнинг кесимлари билан қўлланилиши мисолларда кўрсатилган.

1. 좀 이따가 내가 작문을 써 주마. *Кейинроқ ишонини ёзиб бераман.*

Ушбу жумлада 써 주마 ёзиб бераман – кўмакчи феълли бирикма ҳисобланади. Агар кўмакчи феълли бирикмадан олдин равишни қўлаб кўрадиган бўлсак куйидаги ҳолат кузатилади:

2. 좀 이따가 내가 작문을 다 써 주마. *Бироздан кейин ишонинг ҳаммасини ёзиб бераман.*

3. 좀 이따가 내가 작문을 빨리 써 주마. *Бироздан кейин ишонини тезда ёзиб бераман.*

Ушбу ҳолатларда кўриниб турибдики, равишлар кўмакчи феълли бирикмадан олдин қўлланилса, гап ҳар жиҳатдан тўғри бўлади. Аммо равишларни кўмакчи феълли бирикма ўртасида қўлласак куйидаги натижага эга бўламиз:

4. 좀 이따가 내가 작문을 써 다 주마. *

Бироздан кейин ишонини ёзиб, ҳаммасини бераман.

5. 좀 이따가 내가 작문을 써 빨리 주마. *

Бироздан кейин ишонини ёзиб тезда бераман.

Равишлар асосий ва кўмакчи феъллар орасидан жой олса, унда гап мазмуни бузилиши, қўшилган равишлар эса 주다 [chuda] феълининг ҳолатини ифодалаши 4 ва 5 - жумлаларда кузатилади. Бу ҳолат қўшма феълларга ҳам хос жиҳатдир. Қўшма феъллар билан равиш улардан олдин қўлланади. Агар қўшма феъл орасига қўшилса, унда бирикма ва гап ҳам структура, ҳам семантик жиҳатдан бузилади.

Корейс тилида феълларни семантик ва функционал жиҳатларига кўра бўлиниши ниҳоятда мураккаб бўлса-да, бизгача қилинган илмий адабиётларни таҳлил қилган ҳолда кўмакчи феълларни куйидагича турларга бўлдик. Уларни ўриндош шакллар билан муносабатига кўра; асосий феълдан кейин кетма-кет қўлланишига кўра; ўхшаш шаклдаги асосий феъл билан бирга қўлланишига кўра; аспект ва модаллик маъноларига эга бўлишига кўра турларга ажратилди.

Кўмакчи феълларнинг ўриндош шакллар билан муносабатига кўра ажратиб олиниши ҳам унинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Корейс тилида феъллар такроран қўллан-



маслиги учун ўриндош шакллар билан алмашилиши феълларнинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Бироқ кўмакчи феълли бирикмада бу ҳолат фақат мустақил феъллар билан чегараланиб қолади, кўмакчи феъллар эса ўриндош шакллар билан алмашмайди:

수미의 집으로 전화를 걸어 볼까? *Сумининг уйига қўнғироқ қилиб кўрайми?*

Ушбу сўроқ гапда кўмакчи феълли бирикма *전화를 걸어 볼까* 'қўнғироқ қилиб кўрайми'дир. Саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин.

나도 전화를 걸어 볼까? *Мен ҳам қўнғироқ қилиб кўрайми?*

Аммо саволдаги *걸다* [keolda] асосий (етақчи) феълнинг такрорий тарзда қўлламасли учун *그러하다* [keureohada] ўриндош феълли қўлланиши ҳам мумкин.

나도 그래 볼까? *Мен ҳам шундай қилиб кўрайми?*

Жумла мазмунан ўзгармаганлигини кўриш мумкин. Аммо *나도 전화를 걸어 그럴까?* тарзида кўмакчи феълнинг ўрнига *그러하다* [keureohada] ўриндош феъллини қўлласак жумла нотўғри тузилган бўлади ҳамда таржима ҳам ғализ бўлади: 'Мен ҳам қўнғироқ қилиб шундай қилайми?', каби. Охирги жавоб вариантдан кўриниб турибдики, кўмакчи феъл ўриндош шакл билан алмашмайди. Кўмакчи феълларнинг бу хусусиятини Ким Ги Хёк ва Ан Мёнг Чхолларнинг тадқиқотларида батафсил ёритилган¹. Уларнинг фикрига кўра, кўмакчи феъллар грамматик бирликка айланиб, худди феълнинг тугалловчи қўшимчаларига ўхшаш функцияни бажариши сабабли, алоҳида ўзи қўлланиб, ўриндош шакл билан алмаша олмайди. Бу хусусият кўмакчи феълларни грамматик шаклга хос хусусиятга эгаллигини кўрсатиб, уларни мустақил феъллардан ажратиб туради. Чунки ўриндошлик ҳодисаси корейс тилида фақат лексик бирликларга хосдир.

Кўмакчи феъл қатнашмаган гапда ўриндош шакл феълни алмаштириб келганда ҳам, кўмакчи феъл у билан тўғридан тўғри боғланади. Яъни бундай ҳолатда гарчи биринчи гапда кўмакчи феълли бирикма қўлланилмаган бўлса ҳам, кейинги гапда ўриндош шакл феълни ўзгартириб келганда, унга кўмакчи феъл белгиланган тартибда бирикади. Лекин бу кўмакчи феълли сўз бирикмаси эмас, балки ҳаракат ёки ҳолатнинг сақланганлиги ва унинг натижасини ифодаловчи бирлик воситасида ифодаланади.

Кўмакчи феълларнинг асосий феълдан кейин кетма-кет қўлланиши ҳолатлари ҳам уларнинг муҳим белгиларидан биридир. Корейс тилида асосий феълга кетма-кет бир нечта кўмакчи феъл бирикиб келиши мумкин². Бундай ҳолатда энг кўпи тўртта кўмакчи феъл келиши мумкин, лекин асосан икки кўмакчи феъл бирикиб келиш ҳолатлари кенг учрайди. Мисолларда кўриб чиқсак.

나도 너의 그 말을 믿어 봐 줘 버리고 싶다. *Мен ҳам сенинг бу гапингга ишонини хоҳлардим.*

Юқоридаги мисолда корейс тилида тўртта кўмакчи феъл бирикиб келиш ҳолатлари ҳам мавжудлиги кўринган. Албатта ушбу тўрт кўмакчи феъллар кетма-кетлигида фақат хоҳиш-истак маъносини англатувчи *-고 싶다* [go shipta] семасигина ифодаланиши кўринган.

Юқорида келтирилган мисолдан шуни айтиш мумкинки, кўмакчи феълларнинг кетма-кет қўлланилиш ҳолатлари ҳақиқатдан ҳам кўмакчи феълли бирликларга хос. Тўртта кўмакчи феъл қатнашиб келган гапларда тўртинчиси асосан *-고 싶다* [go shipta] ва *-고 싶어하다* [go

¹ 서정수.국어 문법.한양대학교 출판원, -서울: 1996.

² 서정수.국어 문법.한양대학교 출판원, -서울: 1996. –Р. 600-601.

shipta] феъли келиши кузатилиши ҳам корейс тилшунос олимларининг илмий ишларида кўрсатилган. Аммо таржимада фақат битта кўмакчи феълнинг семаси ифодаланиши кўринди.

Кўмакчи феълли бирикмаларда ўхшаш шаклдаги асосий феъл билан бирга қўлланиш ҳолатлари ҳам учрайди. Бу хусусият ҳам кўмакчи феълни фарқлаш белгиларидан бири ҳисобланади. Сонсе Модоль кўмакчи феълнинг белгиси ҳақида гапирар экан, кўмакчи феълнинг такроран қўлланилиш ҳолатлари учраши, аммо бу ҳолат унча одатий ҳисобланмаслиги, бу хусусият фақат 가다 [gada], 버리다 [beorida], 보다 [boda], 두다 [duda] кўмакчи феълларига хос бўлиб, асосан оғзаки нутқда қўлланилишини алоҳида таъкидлайди. Асосий феъл билан ўхшаш шаклларда қўлланилишини қуйида мисолларда кўриб чиқамиз.

이제 다 가 간다.

Ҳозир жўнаб кетмоқдаман.

나도 고시나 한 번 봐 볼까 하는 생각이 들었다¹.

Мен ҳам бир бор имтиҳон топишиб кўрайми деган фикрга келдим.

Юқорида келтирилган мисолларда 가다 [gada] ва 보다 [boda] икки мартадан қўлланган бўлиб, биринчиси асосий феъл бўлса, иккинчиси кўмакчи феъл ҳисобланади. Бундай қўлланиш ҳоллари кўмакчи феълли бирликни қўшма феълларда яққол ажратиб туради.

Замонавий корейс тилида кўмакчи феъллар ифодалайдиган грамматик маъно икки хил бўлади: аспект ва модаллик маънолари². Кўмакчи феълларнинг бундай грамматика маънолари уларнинг гапда асосий феъл билан бирга қўлланиб, уларга қўшимча грамматик маъно юклашига асос бўлади.

상 [sang] аспект феълларга хос грамматик категория бўлиб, феълнинг тугалланган ёки тугалланмаганлигини кўрсатади. Дастлабки тадқиқотларда корейс тилида аспект категорияси замон категорияси билан фарқланмаган, яъни замон доирасида кўриб чиқилган. Чунки аспекти кўрсатувчи грамматик шакллар алоҳида мавжуд эмас, балки замон кўрсатувчи шакллар аспект функциясини ҳам бажаради³.

Замонавий корейс тилида феълларнинг аспект жиҳати Ким Жонг До (1992)⁴ ва Ли Хо Синг (1997)ларнинг ишларида алоҳида очиб берилган. Мисоллар орқали батафсил кўриб чиқайлик:

1. 민우는 고향에 갔다⁵. *Мину ватанига кетди.*

Юқорида келтирилган гапда ‘Минунинг ватанига кетгани’ ўтган замонда ифодаланган. Аммо жумланинг маълум аспект фарқи ҳам бўлиши мумкин. Масалан, келтирилган жумлада бошланғич ва якуний нуқта эга бўлган тугалланган вазият ҳисобланади.

2. 민우는 고향에 가고 있었다. *Мину ватанига кетаётган эди.*

Ушбу жумлада эса, гапда вазиятнинг бир қисми, яъни ҳаракатнинг давом этаётган қисми ҳамда вазият якуний нуқтага қараб кетаётганлиги ҳисобга олинса, нейтрал ҳолат намоён бўлади.

3. 민우는 고향에 가 있었다. *Мину ватанига борган эди.*

¹ 손세모돌. 국어 보조용언 연구. 서울: 한국문화사, 1996. – Р. 63.

² Ким Н.Д. Типы предложений по коммуникативной целеустановке с современным корейском языке: Дисс....докт. филол.н. –Т.: ТашГИВ, 2018. – С.21-31.

³ XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, феъллардаги замон, нисбат ва аспект категорияларини алоҳида тадқиқ қилиш бошланди. Бунга қадар замон ва аспект бир категория доирасида ўрганилган.

⁴ 김중도. 우리말의 상 연구. 기전어문학 7. 수원대. 1992.

⁵ 박양규. 할머니. -서울: 비룡소, 1999. – Р. 45.



Бу жумлада эса, вазият тугалланиб, энг бошида келтирилган якуний нуқтага эга бўлган тугалланган вазиятдан фарқли вазият келиб чиқади. Аспект маънони тадқиқ қилганлардан яна бири Ли Нам Сун¹дир. У замон ва аспекти бир категория доирасида ўрганиб, уларга нисбатан “вақт жиҳатдан тугалланганлик” ва “макон жиҳатдан тугалланганлик” атамаларини қўллайди. У ҳаракатнинг қайси замонда бўлиши замон категориясининг масаласи бўлса, мазкур ҳаракат субъект ва объектга нисбатан ҳаракатнинг барча вазиятларини ўзида мужассам этиши ёки этмаслигини аспект масаласи деб айтган. Булардан ташқари Ким Сон Хва² аспект ҳаракатнинг кўриниши муайян шакл орқали ифоланишини ҳамда давомийлик ва тугалланганлик аспектига бўлинишини айтиб ўтади.

Корейс тилида кўмакчи феъллар аспект маъноларига кўра “тугалланган” ва “тугалланмаган” бўлади. Ўз навбатида “тугалланмаганлик аспекти” жараён – 진행 [chinhaeng] (ҳаракат), тақрор – 반복 [banbeok] (ҳаракат), давомийлик – 지속 [jisok] (ҳолат) турларига бўлинади.

Кўмакчи феълларда аспект маъноларидан ташқари модаллик маънолари – 양태 의미 [yangtae imi]³ ҳам мавжуд бўлиб, улар сўзловчининг мулоқот объектига нисбатан муносабатини кўрсатади. Одатда нутқ жараёнида сўзловчи тингловчига фақат маълумотнинг ўзини эмас, балки ўзининг мазкур маълумотга нисбатан муносабатини ҳам етказди. Бунда муносабат одатда турли лексик ва грамматик воситалар билан ифодаланиб, сўзловчининг мулоқот объектига нисбатан муносабатини ифодалаб келади. Кўмакчи феъллардаги модаллик маънолари санаб ўтилган мазкур ҳолатлар билан бевосита боғлиқдир.

그녀는 떨고 있었고 발작적으로 재채기를 두 번 해댔다⁴.

У қалтираётган эди, тутқаноғи тутиб, икки маротаба аксириб юборди.

Юқоридаги мисолда 대다 [daeda] кўмакчи феъли 재채기를 하다 [jaechaegileul hada] ‘аксирмоқ’ асосий феълига қўшилиб келиб, асосий феъл ифодалаётган ҳаракатнинг тақроран содир бўлиши ҳамда унга нисбатан сўзловчининг психологик муносабатини ҳам ифодалаб келмоқда, 대다 [daeda]даги модаллик маъносини “сўзловчи модаллиги”га мувофиқ келишини айтиш мумкин.

Хулоса. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, кўмакчи феъллар тадқиқи давомида аввал анъанавий грамматика, ундан кейин янги грамматика назарияси асосида ўрганилган кўмакчи феъллар таркибига ҳозирги кунда қўшимчалар таркибига кирувчи бирликлар ҳам қўшилганлиги аниқланган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кўмакчи феълларнинг белгиларига қараб ажратиб олиш ва уларни таснифланиш масаласи ҳам шу кунгача долзарб масалалардан бири ҳисобланиб келмоқда. Ушбу тадқиқотда замонавий корейс тилидаги кўмакчи феълларнинг асосий белгиларига асосий феълга синтактик ва семантик жиҳатдан тобелиги, бирикма ўзига хос ички структурага эга бўлиши, яхлит бўлинмас қўшилмани ташкил этиши, қўшилмада кўмакчи феъллар боғловчи аффикслар -어 [-eo] ва -고 [-go] воситасида асосий феълга боғланиши, ўриндош шакллар билан муносабатига кўра ажратиб олиниши, асосий феълдан кейин кетма-кет қўлланиши, аспект ва модал маъноларга эга бўлиши кабилар кўмакчи феълларнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

¹ 이남순. ‘겠’과 ‘르것’. 서울대 관악어문연구, Vol. 6, 1981. pp. 183-203.

² 김성화. 국어의 상 연구. 서울: 한신문화사. 2003. – 344 p.

³ 이 회 승. 국어 사전. 서울: 민중서림, 2002. – 2855 p.

⁴ 윤대녕. 누가 걸어 간다. –과주: 문학동네, 2004. – P. 54.



Тадқиқот давомида кўмакчи феълли бирикмалар таркибига равишларни кўшиб бўлмаслиги, кўмакчи феълларнинг аспект маъноси маълум ҳаракат ва ҳодиса рўй бераётган муҳитда сўзловчининг мазкур ҳодиса ва вазиятга нисбатан нуқтаи назаридан иборат бўлиши, тугалланганлик аспекти вазиятни умумий тарзда кўришни, тугалланмаганлик аспекти эса ҳодисанинг бир қисmini кўриш ҳамда натижа аспекти ҳодиса тугалланганидан кейин унинг натижасини кўришни билдириши кузатилди. Шунингдек, кўмакчи феъллардаги модаллик маъносига сўзловчининг модаллиги ва эганинг модаллиги киритилиши кузатилди.



ҚЎЛ (EL) КОМПОНЕНТЛИ ИБОРАЛАРНИНГ ТАСНИФИ ВА УЛАРНИНГ МАЪНО ХУСУСИЯТЛАРИ

ШАБАНОВА САДАФ

ўқитувчи, ТДШУ

Аннотация. Иборалар ҳар бир тилнинг энг муҳим ва ноёб бирликлари бўлиб, дунё маданияти ва инсон хусусиятларини билиш учун ишлатиладиган ифодали воситалардир. Ушбу тадқиқотнинг мақсади el (қўл) компонентли ибораларнинг таснифи ва уларнинг маъно хусусиятларини очиқ беришдан иборатдир.

Таянч сўз ва иборалар: el (қўл) компоненти, компонент, ибора, ибораларнинг таснифи.

Аннотация. Фразы являются наиболее важными и уникальными единицами любого языка и являются выразительными средствами, используемыми для понимания мировой культуры и человеческих характеристик. Цель данного исследования - классифицировать словосочетания с el (рука) компонентом и выявить их смысловые особенности.

Опорные слова и выражения: компонент руки, компонент, фраза, классификация фраз.

Abstract. Phrases are the most important and unique units of any language and are expressive means used to understand world culture and human characteristics. The purpose of this study is to classify phrases with an el (hand) component and to identify their semantic features.

Keywords and expressions: hand component, component, phrase, classification of phrases.

Иборалар ҳар бир тилнинг муҳим ва ўзига хос бирликларидан бири экан, улар воситасида ўша халқ маданияти, ўзига хос хусусиятлари билан яқиндан танишиш мумкин. Иборалар таркибини таҳлил қилиш замонавий тилшуносликнинг муҳим тадқиқот объектларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга уларда иштирок этган лексемаларнинг семантик таҳлили ҳам илмий ишларда алоҳида ўрин тутди. Турк иборалар таркибида el (қўл) компонентларининг семантик майдонини тадқиқ қилиш орқали, иборалар таркибидаги лексемалар қаторини аниқлаш ва уларнинг маъновий ўзига хосликларини таҳлил қилиш мумкиндир.

Мазкур тадқиқотнинг объекти замонавий турк тилидаги el (қўл) компонентлари қатнашган иборалар бўлиб, ушбу турдаги мисоллар кетма-кет танлаш усули орқали Ў.А.Аксойнинг “Atasözleri ve deyimler” (2.Deyimler sözlüğü, İstanbul, 2016) луғатидан олинди¹.

¹ Aksoy Ö.A. Atasözleri ve Deyimler sözlüğü. – İstanbul: İnkilap kitabevi, 2016. –1205s.